

Ким ва нима учун Бани Қурайза қабиласини жазолади?

20:44 / 22.04.2017 3503

18-савол. Муҳаммад савнинг 625 йил Бани Қурайза қабиласини қатл қилиши Ислоннинг шафқатсизлиги, зулмкорлигидан, ҳисобланади. Муҳаммад сав Мадинада бир кунда 700та яҳудий асирларни қатл қилди. Сизлар яна у улуғ ва унга эргашиш керак дейсизлар? Мана Бен Ладинлар ҳам эргашяпти. Нимага бугун барча террористлар мусулмонлар экан, тушунарли!

18-жавоб. Бу ерда гап урушда сотқинлик қилиш, тўғридан-тўғри жанг майдонида хиёнат қилиш тўғрисида кетяпти. Бани Қурайза яҳудийлари мусулмонлар билан иттифоқдалигига қарамасдан, Мадинани мушриклар қамал қилган пайтда (Хандақ урушида) хиёнат қилиб душман томонга ўтиб кетди. Лекин мусулмонлар сабр билан тура олишди ва мушриклар ортга қайтишди. Ана шундан кейин мусулмонлар Қурайза қабиласига қарши уларни жазолаб қўйиш учун қўшин тортиб бордилар. Жангда мусулмонлар ғалаба қозонди ва Бани Қурайза эгаллаб турган жойларини топширишга мажбур бўлди, лекин улар мағлубликларини тан олишда Таврот бўйича жазо қўлланиши ва ўзлари номини атаган киши томонидан ҳукм қилинишини шарт қилдилар. Яъни пайғамбар сав нинг ўзлари томонидан жазо олишни истамадилар.

Бунга жавобан пайғамбар сав уларга нисбатан катта марҳамат кўрсатдилар ва мусулмонлардан хоҳлаганларини қози сифатида танлашни таклиф қилдилар. Кейин қурайзаликлар собик иттифоқдошлари Мадинадаги Авс қабиласининг улуғларидан Саъд ибн Муозни ўзларга қозилик қилишини танладилар. Саъд Хандақ урушида қаттиқ ярадор бўлган эди.

Муҳаммад сав яна бир марта уларга ён бериб, Саъд ибн Муоз чиқарган ҳар қандай ҳукмни амалга оширишни кўпчилик олдида ошкора ваъда қилдилар. Саъд ибн Муозни келтиришни буюрдилар. Унинг аҳволи оғир бўлгани учун замбарда кўтариб келтиришди. Йўлда ҳали ҳукм чиқарилишидан олдин Авсликлар Саъддан собиқ иттифоқдошларига енгилроқ ҳукм чиқаришини сўрашди.

Шундай бўлсада Саъд кутилмаган кескин қарор чиқарди. Мусулмонларга қарши қурол кўтариб жанг қилганларнинг барчасини қатл қилинишига ҳукм чиқарди. Бу жангчилар бир неча юз яҳудийлардан иборат эди. Шунини таъкидлаб айтиш лозимки, ҳукм Таврот асосида чиқарилган эди. (Втор 20:10-15): Қачон шаҳарни ишғол қилиш учун яқин борсанг, унга тинчликни таклиф қил; агар у сен билан тинчликка рози бўлиб дарвозаларни очса, ундаги барча халқ жия тўлаб сенга хизмат қилади. Агар у сен билан тинчликка кўнмасдан уруш олиб борса, уни қамал қил, Худо уни сени қўлингга мағлуб қилиб топширади. Улардан барча эркакларни қиличдан ўтказ, фақат шаҳардаги барча аёллар ва болалар, чорва, барча ўлжани ўзинга ол. Сенга худо топширган душманларингни ўлжаларидан фойдалан. Сендан анча узоқ анаву шаҳарлар ва халқлар билан ҳам шундай иш тутгин.

Бу ҳукм эълон қилинганидан кейин, Пайғамбар сав: «Энди бу худонинг ўзини ҳукми бўлди», дедилар. Муҳаммад савнинг қозилик қилишларидан бош тортиб яҳудийлар ўзлари танлаб олган Саъд ибн Муоз чиқарган ҳар қандай ҳукми амалга оширишни ошкора равишда ваъда қилган Муҳаммад сав энди ҳеч нарсани ўзгартира олмас эдилар.

Шундай қилиб, Баний Қурайза қабиласи ўз «маккорликлари» қурбони бўлдилар; Пайғамбар ҳукмидан бош тортиб, ўзларига Таврот бўйича ҳукм қилинишини талаб қилиб, оладиганларини олишди. Шунинг учун бу воқеа «мусулмонларнинг шафқатсизлиги» тўғрисида эмас. Балки оғир жиноят, жанг майдонида хиёнат қилишга, Худонинг ҳукмини ўзгартириб бўлмаслигига шоҳидлик беради. Шунини айтиш керакки, ҳукм Таврот бўйича чиқарилди, Қуръон бўйича эмас.

Ойдин Ализода